

“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ

“ХОРАЗМ ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ



УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН
ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ
Ш А Р Т Н О М А С И

№ 090444
Урама Тухан 1-сон
КХМ

**Улгуржи истемолчиларга электр энергияси етказиб бериш
Шартномаси**

20 22 йил "10" 01 090444 сон

Урмикс Тўшман
(шахр номга тузилган жон)

Истемолчининг шахсий хисоб-раками:

0	9	0	4	4	4
---	---	---	---	---	---

" ХЭТАН " АЖ Урмикс Тўшман
туман (шахар) электр таъминоти корхонасида 202 2 йил "10" 01 да
руйхатдан ўтказилган 51 - сон ишончнома асосида фаолият юритувчи рахбари
О. Махсумов
(электр таъминоти корхонаси раҳбарининг Ф.И.Ш.)

(кейинги ўринларда Таъминотчи корхона деб аталади) бир томондан ҳамда
иккинчи томондан Улгуржи истемолчи (кейинги ўринларда Истемолчи деб
аталади)

Урмикс Тўшман /-сон КХМ
(бухгалтерия юритувчи субъектининг тўлиқ номи)
рахбари К. Ч. Раҳмонов
(бухгалтерия юритувчи субъект раҳбарининг ёки шайхали вақалининг Ф.И.Ш.)

билан Шартномани куйидагилар ҳақида тузиллар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1. Ушбу электр энергияси таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда –
Шартнома деб аталади) мувофиқ, Таъминотчи корхона Истемолчига электр
энергиясини уланган тармок орқали етказиб бериш ва Истемолчи истемол
қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Электр энергияси истемолчининг йиллик шартномавий ҳажми:
актив энергияси 74066 кВт/соат;
реактив энергияси _____ кВар/соат.

2.2. Етказиб бериладиган электр энергиянинг шартнома тузилган кундаги
тахминий нархи 80824700 сўмини, тариф буйича 450 сўмини ташкил
этади. Тариф турлари Бир ставка
табақалаштирилган, бир ставка, суғиш нархи ва бошқалар (тегишлиси ёзилган)

2.3. Истемолчига етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар
кесимидаги йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.
Таъминотчи корхона томонидан хизматларни тўлиқ ҳажмида кўрсатиш учун
электр таъминотида танқислик юзага келган тақдирда, Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорида қайд этилган стратегик ва ижтимоий
аҳамиятга эга истемолчиларга зарур бўлган электр энергиясининг минимал
ҳажминини, шу жумладан чораклар ва ойлар буйича Истемолчи билан белгиланган ва
олдиндан келишилган тартибда етказиб берилишини таъминлаши шарт (7-илова).

2.4. Истемолчи томонидан истемол қилинган электр энергиясининг ҳақ
тўлашини лозим бўлган ҳажми ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга
олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида, хисобга олиш приборлари уланган ток
ва кучланиш трансформаторларининг трансформация коэффициентларини инобатга
олинган ҳолда аниқланади.

2.5. Истемолчининг (тадбиркорлик субъектларидан ташқари) электр
энергиясини хисобга олиш приборлари, шунингдек электр энергиясини хисобга
олишнинг бошқа воситалари (ўлчов трансформаторлари, автоматлар, симлар
ва бошқалар) истемолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат
қисёловидан ўтказилади, Таъминотчи корхона томонидан бепул ўрнатилади,
пломбланади ва рўйхатдан ўтказилади.

Тадбиркорлик субъектларининг электр энергиясини хисобга олиш электрон
приборларини сотиб олиш, ўрнатил, рўйхатга олиш, даврий давлат қисёловидан
ўтказиш ва пломбалаш, шунингдек, мавжуд (жумладан, индукцион) хисобга олиш
асбоблари Таъминотчи корхона маблағлари хисобидан алмаштирилади.

Хисобга олиш Истемолчининг айби билан бузилган тақдирда (ток ва
кучланишни ўлчаш трансформаторларининг ишдан чиқиши, шунингдек, иккиламчи
коммутация, хисобга олиш приборларининг шикастланиши ва уларнинг йўқолиши)
хисобга олиш назорат қилиш асбобларини ва уларга тегишли асбоб-ускуналарни
алмаштириш, таъмирлаш, давлат қисёловидан ўтказиш ва ўрнатиш истемолчи
томонидан улар қиймати ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўланган ҳолда,
Таъминотчи корхона томонидан амалга оширилади.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Электр энергияси учун хисоб-китоблар бир ставкали, табақалаштирилган,
ўсиб борувчи, камаювчи коэффициент қўлланиладиган ёки аҳолига тенглаштирилган
тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истемолчи (бюджет
ташкilotлари, сув таъминоти ташкilotлари, фермер хўжаликлари ва сув
истемолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан
молияштирилган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун
хисоб-китобларни табақалаштирилган тариф буйича амалга оширади.

Истемол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф буйича хисоб-
китоблар:
ярим тигиз давр – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – белгиланган
тариф буйича,

тигиз давр – энг катта юкلامали соатларда (ягона электр энергетика
тизимининг энг катта юкلامали соатлари: эрталабки энг катта микдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰
гача, кечки энг катта микдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан
1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунгги давр – сутканинг қоронги вақтида (энг кам юкلامали соатларида:
22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар
камаювчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истемолчиларга
қўлланиладиган тарифга тўғри келади.
Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган истемолчига нисбатан энергия
учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Реактив энергия компенсацияси учун чегирмалар (устамалар) реактив энергияни хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади ҳамда тегишли равишда истеъмол қилинган (ҳосил қилган) реактив энергиянинг 1 кВтВар/соат учун тўлов тарзида ундирилади.

Реактив энергиянинг шартномавий миклдори реактив энергиянинг иқтисодий кийматида келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Реактив энергиянинг хар бир хисобот даври учун иқтисодий киймати, шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган қувват коэффициентининг оптимал миклдори хисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миклоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Уланган қувватдан катъий назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширувчи Истеъмолчилар (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоklar яратиш бўйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун тўловларни тегишли тариф гуруҳига асосан белгиланган тарифга нисбатан 3 баробар ўсувчи коэффициентга мувофиқ тўлайди.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб Истеъмолчи билан хисоб-китоблар, хар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатилган хисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

3.4. Таъминотчи корхона Истеъмолчи (ёки унинг вакили) билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миклорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини хар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини хисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб кўриши ваколатига эга.

Таъминотчи корхона Истеъмолчи билан биргаликда хисоб-китоб даври тугагандан сўнг (мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда) хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини хар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича хисобот тузади. Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида Таъминотчи корхонага белгиланган шакл бўйича ўз кўли билан, факсимиль, электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган хисобот ҳам истеъмол қилинган амалдаги ҳажминини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бунда, тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича электр энергияси сарфи бўйича хисоботда фойдаланилган электр энергияси (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган электр энергияси ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

Электр энергиясини хисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (кейинги ўринларда ЭХНАТ деб аталади) жорий этилган истеъмолчиларда хисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда қаида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, худудий электр тармоқлари корхонаси уларнинг кучга киришидан қаида 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган саналан катъий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тарикасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик ҳатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда қайта хисоблаб чиқилади ва Таъминотчи корхона томонидан давво муддати доирасида кўрсаткичларидаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда хисобга олинади.

3.6. Истеъмолчига электр энергияси етказиб бериш 70 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади.

ЭХНАТга уланган ёки олдиндан ҳақ тўлаш қурилмаси ва хисобга олиш приборига эга бўлган Истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш олдиндан тўланган тўлов доирасида амалга оширилади.

Бунда, хисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хохишини билдирган истеъмолчилар хисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб хисоб-китоб даври бошланишидан қаида 5 кун олдин билдирги тартибда Таъминотчи корхонага мурожаат қилганлари тақдирда электр энергияси истеъмолчиларга 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача яқуний хисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур Истеъмолчиға нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. Таъминотчи корхона Истеъмолчининг энергия сарфи тўғрисидаги хисоботи асосида белгиланган тартибда хисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичида тўлов амалга ошириш учун хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варагини тақдим этади.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир неча объектга эга бўлса, хар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий хисоб-фактура тақдим этадилади.

Таъминотчи корхона томонидан махсус дастурий махсулот орқали хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варагини шакллантирилади ҳамда Истеъмолчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқланиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади. Агар махсус дастурий махсулот орқали етказиш имконият мавжуд бўлмаса хисоб-фактура ва тўлов хисоб-вараги ёзма шаклда бералади.

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли “Ўзаро хисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги хисобварақ-фактуралардан фойдаланишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори)

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартноманинг 3-иловасига мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавабгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик жаойига чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойигача бўлган участкада энергиянинг технолофик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда хисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу Шартноманинг 4-иловасига мувофиқ далолатномада кўрсатилади ва электр тармоғининг баланс бўйича мансублигига қараб худудий электр тармоқлари корхонасининг ва истеъмолчининг хисобига ўтказилади. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал-эксплуатация ташкилотлари бундан мустаасно.

Бунда, 750 кВА ва ундан юкори кувватга уланган, табакалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфлашиш хажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқлашиб, мутаносиб равишда жами олинган электр хажмининг тегишли пайтларига тўлов хақини ёзиш учун кўшиб борилди (6-,7-иловаларни реактив кувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар тўлдиради).

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича Истеъмолчининг электр тармоги оркали худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, Истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, Истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий микдорида нисбатан худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси микдориغا мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Электр энергияси сарфи тўғрисидаги ҳисобот Истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, Таъминотчи корхона томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеъмолнинг шартномавий микдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб давр учун электр энергияси истеъмолнинг ўртacha суткалик амалдаги микдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Бунда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибида Таъминотчи корхона томонидан ёзиб олингандан кейин амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қилинади. Қайта ҳисоб-китоб Истеъмолчи ёки унинг вақили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. ЭХНАТнинг жорий этилиши муносабати билан Истеъмолчининг ҳисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрлариغا мувофиқ, бироқ бир ойда қаида бир марта ёки Истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

Таъминотчи корхона Истеъмолчининг шахсий ҳисоб-рақам ва ҳисобга олиш приборларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия микдордан 5 фоиздан ортиқ микдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан шартномада белгиланган тарифнинг 1,15 баравари микдорида тўлов ундирилади.

Истеъмолчининг электр энергияси хақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноқонуний фойдаланилган электр энергияси қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоллашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчи шартномада кўрсатилган электр энергияси хажмини тўлик истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойдан кейинги календар ой тугаган қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган хар кун учун Истеъмолчига тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи микдорида, электр энергияси махсус тартибда етказиб берилмаган корхоналар учун эса 0,2 фоиз микдорида пеня ҳисоблаб ёзилади.

Бунда пенянинг умумий микдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

3.13. Истеъмолчи ва Таъминотчи корхона хар ойда ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.14. Истеъмолчини куйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Таъминотчи корхонанинг қонуний талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вақиларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини қасддан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашиб хағти-ҳаракатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний улашиш, талон-тарож қилиш ёки Вазирилар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли Электр энергиясидан фойдаланиш Қоидалар (кейинги ўринларда Қоидалар деб аталади)ини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

ягона электр энергетика тизимида электр энергия ва қувватда танқислик вужудга келганда, аварияларга йўл қўймаслик ва истеъмолчиларнинг тартибсиз узиб қўйилишининг олдини олиш мақсадида худудий электр тармоқлари корхонаси ўчириш вақтини кўрсатган ҳолда, истеъмолчилардан рекламалар, иллюминациялар, бино ва иншоотларни ёриткичларини, электр иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш қурilmаларини ўчириб қўйишни талаби бажарилмаганда;

Суд органларининг қонуний қучга кирган қарорларига асосан.

Истеъмолчилар ва субистеъмолчилар (ижрачилар), талбиркорлик субъектлари ёхуд фуқаролар ўртасида турли хил низоли (қелишмовчилик) ҳолатларда, фақатгина суднинг қонуний қучга кирган қарорларига асосан Таъминотчи корхона электр тармоқдан ажратилиш ёки қайта улашни амалга оширади.

3.15. Ҳисобга олилмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, Истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Қоидаларни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. Таъминотчи корхона етказиб берилган электр энергия учун қарздор бўлган Истеъмолчига қарзни беш кун ичида тўлашни хақида хабардор қилишни таъминлайди.

Таъминотчи корхона Истеъмолчини хабардор қилинган вақтдан бошлаб беш кун муддат ўтгандан сўнг, Истеъмолчини дебитор қарздорлик учун тармоқдан узиб қўйиш ва уларни қайтадан улашни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади.

Қайта улашишда Истеъмолчидан тўлов қуни амалда бўлган базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баравари микдорида ҳақ ундирилади. Бунда, ЭХНАТга уланган ҳамда ҳисобга олиш прибори автоматик тарзда ўчириб-ёқиш қурилмасига эга бўлган истеъмолчиларни тармоқларига қайта улашни учун ҳақ ундирилмайди.

3.17. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий хажмидан олинмаган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига берилмаган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.18. Жусуей уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал-эксплуатация ташкилотлари, электр энергиясидан аҳолига электр энергияси етказиб бериш мақсадида фойдаланувчи идоравий ва муниципал уй-жой фонди, юридик шахслар ётоқхоналари, диний ташкилотлар ва оилавий корхоналар, шунингдек, электр энергиясидан аҳоли эҳтиёжлари учун фойдаланидиган локал қозонхоналарга маиший истеъмолчиларга белгиланган тариф қўлланилади.

3.19. Электр энергиясини ҳисобга олиш прибор билан биргаликда фойдаланиладиган ўлчов трансформаторларини бошқа жойга ўрнатиш ва алмаштириш Таъминотчи корхона билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Истеъмолчининг айби билан электр энергиясини ҳисобга олиш приборига зарар етказилган (пломбаси бузилса, ойнаси синса ва бошқалар), электр энергиясини ҳисобга олиш приборини улаш схемаси ўзгартирилган, ҳисобга олиш асбобининг хотира блоки ва уни дастурлашдан фойдаланиш тутмасига (бўлмасига) ташқаридан таясир кўрсатилган, электр энергиясини ҳисобга олиш приборидан ташқари электр қабул қилгичларни улаш ёки энергия бошқа усулда ўтирилган ҳолларда, Таъминотчи корхонанинг ваколатли вакили белгиланган шакл бўйича қондани бузиш далолатномасини тузади. Ушбу далолатнома асосида Таъминотчи корхона Истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўяди.

Ҳисобга олинмаган электр энергияси миқдорининг қиймати Таъминотчи корхона томонидан ушбу Шартномада кўрсатилган Истеъмолчининг иш соатлари сони ҳисобга олинган ҳолда электр қабул қилгичларнинг уланган қуввати бўйича қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

электр энергиясини ҳисобга олиш прибори, ўлчов трансформаторларини улаш схемалари ўзгартирилганда, ҳисобга олиш асбобининг хотира блоки ва уни дастурлашдан фойдаланиш тутмасига (бўлмасига) ташқаридан таясир кўрсатилганда ва ҳисобга олишни назорат қилиш асбобларидан ташқари электр қабул қилгичлар кўз билан аниқлаб бўлмайдиган яширин йўл билан (яширин электр симлари, переключателлар монтаж қилиниши ва шу кабилар) уланганда – электр энергияни ҳисобга олишнинг назорат асбоблари охири алмаштирилган ёки уланиш схемалари текширилган кундан бошлаб, бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатда;

электр энергиясини ҳисобга олиш приборига истеъмолчининг айби билан зарар етказилганда (пломбаси бузилишига йўл қўйилган, ойнаси синган ва шу каби ҳолатлар) ёки электр энергияси айланиб чиқишда кўз билан аниқлаш мумкин бўлган бошқа усулда ўтирилган тақдирда – охириги марта айланиб чиқилган кундан бошлаб, бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Ҳисобга олинмаган электр энергияси миқдори қийматини ҳисоб-китоб қилишда қоида бузиш аниқланишидан олдинги давр учун амалдаги тўловлар ҳисобга олинган ҳолда, қайта ҳисоб-китоб амалга оширилаётган вақтдаги тариф қўлланилади. Бунда I тариф гуруҳидаги Истеъмолчилар учун ҳисобга олинмаган электр энергияси миқдорининг қиймати ягона электр энергетикаси тизимининг максимал юкланиш соатларида амал қиладиган тариф бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

Электр энергиясини ҳисобга олиш Истеъмолчининг айбисиз вақтинчалик бузилганда етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб Таъминотчи корхонанинг қарори бўйича, ҳисобга олиш бузилишига қадар бўлган олдинги ҳисоб-китоб давридаги ёки ҳисобга олиш тиклангандан кейинги даврдаги ўргача суткалик сарф бўйича амалга оширилади.

Электр энергиянинг ўргача суткалик сарфи бўйича ҳисоб-китоб қилиш даври бир ойдан ошмаслиги керак ва шу вақт ичида ҳисобга олиш тикланиши зарур.

Агар, электр энергияни ҳисобга олиш приборини объектив сабабларга кўра, кўрсатилган муддатда (ўлчаш трансформаторининг, ҳисобга олиш приборининг йўқлиги, ўтиб бўлмайдиган йўллар ва шу кабилар туфайли) тиклаш имконияти бўлмаса, истеъмолчига етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва ҳисобга олишни тиклаш муддати истеъмолчи ва худудий электр тармоқлари корхонасининг ўзаро келишуви билан белгиланади.

Электр энергиясидан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан йўл қўйилган қондабузилишлар Таъминотчи корхона вакили ва Истеъмолчи томонидан имзоланган икки нусхадаги белгиланган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унинг бир нусхаси Истеъмолчига берилади ва Таъминотчи корхона томонидан ушбу Қондаларни бузган Истеъмолчи электр қурилмалари тармоқдан узиб қўйилади.

Истеъмолчи далолатномани имзоланиши рад этган тақдирда, қоида бузиш далолатномасида истеъмолчини таништирганлик тўғрисида белги қўйилади.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчининг электр қурилмаларини Таъминотчи корхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталлиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Таъминотчи корхонага истеъмол қиладиган электр энергияси ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда электр энергиясининг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлажалланаётган ўзгартиришдан 10 кун олдиндан (жорий ой тугагунча) берилиши керак

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергияси етказиб берилиши оқибатида худудий электр тармоқлари корхонаси ёки электр таъминоти корхонаси (айбдор ташкилот) томонидан етказилган зарарларни белгиланган тартибда қоплаш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган электр энергияси миқдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш;

Электр энергияси етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

4.2. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

Таъминотчи корхона томонидан белгиланган электр энергиясини истеъмол қилиш режимида ривож этиш;

фойдаланилган электр энергияси (куват) учун ўз вақтида ҳақ тўлаш; ишлатилаётган электр қурилмалари, асбоблар ва асоб-ускуналарнинг зарур техник ҳолати ва истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, ҳудудий электр тармоқлари жорхонасига ёки электр таъминоти қорхонасига электр асоб-ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар қилиш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш; «Ўзэнергоспекцияси»нинг ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларига риоя этиш; ўрнатилган тартибда Таъминотчи қорхона вакилига электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини кўришига имкон бериш;

Йил мўбайнида янгидан ишга туширилаётган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан қамада бир ой олдин электр энергиясининг зарур миқдори учун ҳудудий электр тармоқлари қорхонасига буюртманома бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни аниқлашда электр энергиясини электр тармоқларидан узагишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Истеъмолчи томонидан ҳисобга олиш приборни ЭХНАТда мукобил (соз ҳолда) ишлашга тўққонлик қилиши амалдаги Қонун ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга асосан жавобгар бўлишига сабаб бўлади.

Шунингдек, уланган қуввати 5 МВт ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи Таъминотчи қорхонанинг талабига қўра қўйиладигаларни ҳисобга олиши ва бу ҳақида хабар бериши шарт:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (куват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

Уланган қуввати 250 кВА ва ундан ортиқ бўлган истеъмолчилар юқорида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда қўйиладигаларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илгор нормаларини ишлаб чиқилиш - умумий ишлаб чиқариш ва технологик; яқна тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

қорхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самардорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни қамайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб

чиқаришининг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогност хажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни қамайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни қамайтириш бўйича белгиланган талбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узок истиқбол учун) ташкилий-техник талбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Истеъмолчи Таъминотчи қорхона томонидан белгиланган энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажариши шарт.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

4.3. Таъминотчи қорхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

истеъмолчилардан электр таъминоти шартномасида белгиланган мажбуриятларни тегишли даражада бажаришни талаб этиш;

истеъмолчилар томонидан электр таъминоти шартномаси шартлари бажарилмаслиги ёки бузилиши оқибатида унга етказилган зарарнинг белгиланган тартибда қопланиши;

авария режимида истеъмолчиларни электр тармоқларидан узиш (ўчириш);

